



ISHONCH

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ


2005 йил 2 июл, шанба № 104 (1945)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

ХИРМОН ТҮЛА ДОН

86 минг 749 гектар майдонда галла етиштирган сирдарёлик деҳқонлар ўрим-йигим мавсумини уюшқоқлик билан ўтказиб, давлатга дон сотиш шартнома режасини бажардилар. Қабул пунктларига 162 минг тоннадан зиёд галла ва 1,5 минг тонна сара уруғлик етказиб берилди. Етиштирилган ҳосилни тез ва сифатли йиғиштириб олиш учун ўрим-йигимга жалб этилган 154 та комбайннинг юқори унум ва сифат билан ишлаши таъминланди. Эришилган муваффақиятга йиллик режани биринчилардан бўлиб бажарган Сирдарё, Ховос, Сардоба туманлари галлакорларининг ҳиссаси катта бўлди. Шуниси эътиборга моликки, етиштирилган ҳосилнинг деярли 96 фоизи фермер хўжаликлари ҳиссасига тўғри келди. Абдулла Қодирий номли, «Чўлда баҳор», «Муста-фоқул», «Олимжон», «Тиннибек бобо» каби фермер хўжалиқларида ҳар гектар ердан 50-60 центнердан ҳосил олинди. Ўрим-йигимни жадал давом эттираётган вилоят деҳқонлари давлатга топшириладиган галла салмоғини 165 минг тоннага етказиш ва яна 1,5 минг тонна уруғлик тайёрлаш ниятида самарали меҳнат қилмоқда.

(ЎзА)



Гўзал Фарғонам, асл дурдонам менинг

Ўзбекистон-Россия ҳамкорлиги

Тошкент ва Москванинг кўплаб халқаро муаммоларга муносабати ўхшаш ёки яқин, икки томонлама ҳамкорликни ривожлантириш борасидаги интилишлар муштарак. Эътироф этилаётганидек, Ўзбекистон ва Россия раҳбарлари ўрта-сида қарор топган олий даражадаги мулоқотлар ҳамкорликнинг янги кирраларини очиш, ишга солинмаётган имкониятларни кўриб чиқиш, долзарб халқаро ва минтақавий муаммолар юзасидан фикр алмашиш учун қўлай имконият яратмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов ва Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин ўртасидаги музокаралар ўзаро ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш йўлидаги яна бир муҳим қадам бўлди.

ЎЗАРО АЛОҚАЛАР МУСТАҲКАМЛАНАВЕРСИН

Корхонамизда кўп миллатли кишилар бир тану бир жон бўлиб фаолият юритишади. Улар орасида ўз ишининг чинакам жонқуярлари, нозик касб эгалари жуда кўп. Бирок, муҳандис Евгений Аренкиннинг ўрни алоҳидадир. У Новокузнецкдаги «Сибир» металлургия институтини тугатиб, электрометаллургия мутахассислигига эга бўлган. У «Сибирэлектросталь» комбинатида цех бошлиғи бўлиб ишлаган кезларида бой тажриба орттирди. 1994 йилдан бошлаб мураббий комбинатининг бош муҳандиси бўлиб фаолият юритиб келмоқда. У одамлар билан ишлашни, масъулиятни шахсан ўзининг қўли билди. Е.Аренкин «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган саноят ходими» унвонига эга. Кўксини «Меҳнат шухрати» ордени безаган.

Россия Федерациясидаги ҳамкасблар билан ҳамкорлик узоқ йиллардан буюн давом этиб келмоқда. Янги бўлини ва қувватларни ишга туширишда россиялик мутахассисларнинг ҳам мадди катта. Равшани, жаҳон электрометаллургияси амалиётида ишловчиларни техник-иктисодий кўрсаткичларини кўтариш ва иш шартлоларини яхшиловчи кўплаб ечимлар топилди. Металлнинг рақобатбар-

дошлиги унга сарфланган меҳнат билан ўлчанадиган бозор иқтисодиёти шароити даврида бу айниқса муҳимдир. Шундай шароитда ЭПЭЦни қайта қуриш зарурати туғилди. Комбинатининг мутахассислари, Челябинск, Новосибирск, Днепродзержинск ва тошкентлик лойиҳачи олимлар ҳамда конструкторлар цехни қайта қуришнинг 5 та йўналишини белгилادилар. Улар пўлатни печдан ташқарида ишлашни тадбиқ этиш, газ тунуларини чиқариш ва тозалаш системасини қайта қуриш, замонавий (ДСП-100-УМЗ) электр печини қуриб тадбиқ этиш, технологик жараённи автомат тизимида бошқаришни ишлаб чиқиш, тадбиқ этиш, цехнинг ташқи комплексини қайта қуришдан иборат эди. Янгиликнинг амалга ошиши туфайли комбинатимизда электрда пўлат эритишнинг замонавий технологиясини қўллашга имкон яралади ва у бугунги кунда ўз самарасини бермоқда.

Биз металлургия давлатимиз раҳбарининг Москвага амалий ташрифини зўр кизиқиш ила кузатиб бордик. Музокаралар самарали бўлгани, ўзаро ишонч руҳида, ишчанлик кайфиятида ўтганлиги бизни ғоятда руҳлантирди.

Г.ДРОЗДОВА,
Бекободдаги Ўзбекистон металлургия комбинати ишчиси

ИККИ ТОМОН МАНФААТДОР

Гўзал пойтахтимиз Тошкентда мустақиллик йилларида кўпгина қўшма корхоналар қурилиб, ишга туширилди. Шундан бири Хамза тумани Жарқўрғон қўшма корхонасидир. Бу ерда 60 дан зиёд арзон ва сифатли электромонтаж маҳсулотлари ишлаб чиқарилмоқда. 126 нафар ишчи-хизматчи пировард натижа учун алоҳида жон қойтади.

Корхона маъмурияти бизга алоҳида гамаҳўрлик кўрсатиб келмоқда. Цехлар фаолият юритиш учун қўлай, озода ва шинам. Ижтимоий ҳимоя масалаларига тобора катта эътибор берилмоқда. Ўртача ойлик маош 70 минг сўм атрофида. Ишловчилар учун махсус кийим-бош, корхонага келиб-кейтиш учун махсус транспорт ажратилган.

Ўзбекистоннинг бир фуқароси сифатида давлатимиз раҳбарининг Москвага амалий ташрифини зўр кизиқиш билан кузатдим. Президентимиз журналистлар билан учрашувда катта эътибор берилмоқда. Ўртача ойлик маош 70 минг сўм атрофида. Ишловчилар учун махсус кийим-бош, корхонага келиб-кейтиш учун махсус транспорт ажратилган.

А.ВОРОНОВА,
Тошкент шаҳридаги Ўзбекистон-Россия «NVA» қўшма корхонаси ишчиси

Тахририятга хат

Ҳозирги кунда ичимлик суви тармоқлари, қозонхоналар, коммунал уй-жойлар таъмирланиб, қишқи мавсумга тайёрланыпти. Уй-жой мулкдорлари ширкатлари тузилиши, Юртбошимизнинг 2005 йил 16 февралдаги «Уй-жой қурилишини ва уй-жой бозорини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига асосан ипотека кредити бериш жамғармаси ташкил топгани аҳолини ижтимоий ҳимоялашнинг муҳим воситасидир.

Жамоаларда «Меҳнат муҳофазаси» ишларини ташкил қилиш, «Меҳнат гиғиенаси ва ишлаб чиқариш санитарияси», «Жисмоний ва ақлий меҳнат йўғунлиги», «Санаят корхоналари технологик жараёнлар хавфсизлиги», «Электр токидан ҳимояланиш», «Меҳнатни муҳофазалашда давлат ва жамоатчилик» назорати мавзуларида мулоқотлар ўтказилди. «Элтекс», «Катекс» қўшма корхоналари касабга уюшмалари, халқаро жамғарма билан ҳамкорликда «Она, бола ва экология» мавзусида уюштирилган давра сўбатлари хотин-қизларда катта таассурот

М.УЗОҚБОВ,
Ўзбекистон энгил, мёбел санаяти ва коммунал-маиший хизмат кўрсатиш ходимлари касабга уюшма Марказий кенгашининг Қорақалпоғистондаги вакили

Жамоа шартномалари қандай бажарилмоқда?

Мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотлар одамларнинг ижтимоий қаноатларини таъминлаш билан уйғун равишда олиб борилапти. Бу жараён касабга уюшма ташкилотлари фаолиятининг асоси бўлиб, бозор иқтисодиёти даврида ижтимоий шерикчилик тамойиллари асосида иш юритиш, тармоқ келишувлари ва жамоа шартномаларининг тўлақонли жорий этиши, фуқаролар турмуш фаровонлигини ошириш каби муҳим вазифаларни қамраб олади.

тарқатилди.

Ҳар бир кишининг саломатлигини мустаҳкамлаш давлатимиз сиёсатининг асосий йўналиши ҳисобланади. Илмий йўналишлар сотиб олишга 2 миллион сўмдан ортиқ маблағ харажат қилинди. 10 дан ортиқ касабга уюшма аъзолари «Чинобод», «Қашқадарё соҳили», «Бешкент», «Майманок» каби санаторий ва профилакторийларида дам олиб, соғлиқларини тикладилар. Кам таъминланган оилаларга қарийб ярим миллион сўм моддий ёрдам, бугдўй берилди. Жисмоний тарбия ва спорт тадбирларига 200 минг сўм маблағ сарфланди.

Жамоа шартномаси ижросини таъминлашда қўйилган тадбирлар фаолиги ошмоқда. Хўжаликнинг 1-, 4-ширкатлари, сўт-товар фермаси цех касабга уюшма ташкилотлари раислари И.Жўраев, Н.Худойбердиев, С.Шариповларнинг ташкилотчилик ва ташаббускорлик фаолияти ибратли. Улар ишлаётган жамоаларда ходимларни ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий манфаатларини ҳимоялаш, меҳнат муҳофазаси талаблар даражасида олиб борилапти.

Т.ҲАМДАМОВ,
Касби туманидаги Шароф Рашидов номи ширкат хўжалиги касабга уюшма кўмитаси раиси

МОДДИЙ ЁРДАМГА 33 МИЛЛИОН СЎМ

Хўжалигимиз нафақат Касби тумани, балки Қашқадарё вилоятида катта иқтисодий қувватга эга жамоалардан. Ҳар йили 2-3 миллиард сўмлаб даромад олиниб, соф фойда кўпаймоқда. Давлатга пахта, дон сотиш шартнома режаларининг муваффақиятли адо этилаётганлиги, яъни маҳсулот етиштириш кўпайиб бораётганлиги аҳоли турмуш тарзини яхшилаш имконини берапти. Касабга уюшма кўмитаси иш беришчи билан тузилган жамоа шартномасида қўйилган вазифаларнинг бажарилишини қатъий назорат қилган.

Жамоа шартномасида касабга уюшма аъзоларининг ижтимоий-иқтисодий муҳофазаси, уларнинг дам олишлари ва соғлиқларини мустаҳкамлаш, жисмоний тарбия ва спорт, маънавият ва маърифат, меҳнат муҳофазаси

ва техника хавфсизлиги масалаларига алоҳида эътибор берилган. Ширкат аъзоларини моддий ва маънавий рағбатлантириш, соғломлаштириш доимий эътиборда турибди. Хўжалик маблағи ҳисобидан 55 миллион сўм сарфланган, замонавий уйингоҳ ва қишлоқларда врачлик пунктлари барпо этилди. Ҳар йили иш ҳақидан ташқари ходимларни мукофотлашга 147-150 миллион сўм маблағ ажратилаяпти. Бултур моддий ёрдамга 33 миллион 787 минг сўм йўналтирилган бўлса, жорий йилнинг ўтган ойларида бу рақам 15 миллион сўмдан ошиб кетди.

Икки ёшгача фарзанди бор 532 нафар кўп болаи оналарга 18 миллион 333 минг сўм, илк бор фарзанд кўрган аёлларга 1 миллион 108 минг сўм суюнчи пули

«Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги қонунда ишлаб чиқаришда инсон соғлиги учун зарарли омилларни бартараф этиш, бахтсиз ҳодисаларнинг олдини олиш ва иш жойларини санитария-гиғиенк жиҳатдан қоникарили бўлиши учун зарур чоралар кўриш маъмурият зиммасига юклатилган. Иш жараёнида шикастланиш ва касбий касалликларни камайитириш катта ижтимоий-иқтисодий аҳамиятга эга.

Шу боис вакилигимиз меҳнат муҳофазаси масалаларига алоҳида эътибор берапти. Иш беришчилар билан тузилган жамоа шартномаларида ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ақс этган 3735 та банд киритилган. Тизимдаги корхона ва ташкилотлар моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, санитария-гиғиена меъёрларининг бажарилиши, соғлом ва қўлай иш, дам олиш шартлоларини яратиш, ҳар қандай шикастланиш ва касб касалликларининг олдини олиш кундалик ишга айланган. Жамоа шартномалари бўйича ҳар бир ходимга ўртача 68 минг сўм маблағ сарфланди.

Ишчиларга ижтимоий-иқтисодий имтиёзлар яратиш учун 757 миллион 780 минг сўм харажат қилинган бўлса, 105 миллион 588 минг сўм дам олишлари, зарарили ш шартлоларини яхшилаш учун 67 миллион 228 минг, бепул овқатланишга 42 миллион

363 минг, транспортдан текин фойдаланишга 21 миллион сўм сарфланган. Меҳнат муҳофазасига ажратилган маблағлар 42 миллион сўмин ташкил этади.

Меҳнат муҳофазаси иш жараёнида инсоннинг меҳнат қобилиятини, соғлиги ва хавфсизлигини таъминлаш учун йўналтирилган қонун-

латиб турилади, шовқин ва тебранишларга қарши чора-тадбирлар қўйилапти. Меҳнат муҳофазаси ва техника хавфсизлиги бурчаклари мажбур. Ходимлар ўқув курсларида қисқа муддатли тайёргарликдан ўтишади. Махсус ечиничи, ювиничи, кир ювиш, кимёвий тозалаш хоналари ташкил қилинган. Ишловчиларга сўт

МЕҲНАТ МУҲОФАЗАСИ ШУНЧАКИ НАРСА ЭМАС

лар жаммуаси, ижтимоий-иқтисодий, ташкилий-техникавий, гиғиенк-профилактик тадбирларни ўз ичига олади. Юқоридаги қонуннинг 23-моддасига мувофиқ барча меъёрий ҳужжатларга риоя этилиши устидан жамоатчилик назорати касабга уюшмалари томонидан сайланган вакиллар орқали амалга ошириляпти. «Қорақалпоқгаз», «Қўнғирот сода заводи», «Юнивер» қўшма корхонаси, «Автотеххимзат» акциядорлик жамияти раҳбарияти ва касабга уюшмаларининг биргаликдаги сайё-харақатлари ижобий натижа берапти. Бу корхоналар цехларида ишчиларни ҳар хил касбий зарарлар таъсиридан ҳимояловчи мосламалар ўрнатилган, махсус кийим-кечак билан таъминланган. Янги, замонавий технологик жараёнлар жорий этилган. Иш шартлолари яхшиланиб, хоналар тўлиқ ёритилган, шамол-

лашди. Ҳозирги кунда ичимлик суви тармоқлари, қозонхоналар, коммунал уй-жойлар таъмирланиб, қишқи мавсумга тайёрланыпти. Уй-жой мулкдорлари ширкатлари тузилиши, Юртбошимизнинг 2005 йил 16 февралдаги «Уй-жой қурилишини ва уй-жой бозорини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига асосан ипотека кредити бериш жамғармаси ташкил топгани аҳолини ижтимоий ҳимоялашнинг муҳим воситасидир.

ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИ ДОИМИЙ ҲИМОЯДА

ФАРҒОНА. Мамлакатимизда тадбиркорликни ривожлантиришга, уни қўллаб-қувватлашга, ҳуқуқий ҳимоя қилишга катта эътибор қаратилмоқда. Давлатимиз раҳбари ақинда қабул қилган қатор фармон ва қарорлар ана шу ишларнинг узвий давомидир. Маълумки, қабул қилинган ҳужжатлар мазмун-моҳияти ва аҳамиятини тадбиркорларга, умуман, кенг жамоатчиликка атофлича очиб беришда давра суҳбатлари, тарғибот ишлари муҳим ўрин тутди.

Фарғона вилоят ҳокимлигида ана шу мақсадда мазкур ҳужжатлар мазмун-моҳияти ва улардан келиб чиқадиган вазифаларга бағишланган давра суҳбати бўлди. Унда Фарғона вилоят прокурори Ҳ.Неъматов, вилоят давлат солиқ бошқармаси бошлиғи Қ.Шокиров ва бошқалар ушбу муҳим ҳужжатларнинг бозор ислохотларини чуқурлаштириш, иқтисодий янада эркинлаштиришдаги аҳамияти ҳақида тадбиркорлар билан фикр алмашди.

Илк бор иш бошлаганимизда фақат бир турда маҳсулот ишлаб чиқариладди. Бугун эса уларнинг сони 24 хилдан ортиб кетди, - дейди Фарғона шаҳридаги «Сайқал» кичик корхонаси раҳбари А.Нисёзов. - Бир ойда 10 миллион сўм солиқ тўлайман. Демак, ўйлаб кўринг, бизники каби кичик корхоналар ташкил топса, қўлайса давлат қанча наф қўради. Президентимиз томонидан қабул қилинган мазкур фармонлар ва қарорлар биз учун айна мудоао бўлди.

Давра суҳбатида Фарғона вилояти ҳокими Ш.Нурматов иштирок этди.

КАРШИ. Ўзбекистон Республикаси Президентининг бозор ислохотларини чуқурлаштириш ва иқтисодий янада эркинлаштириш юзасидан қабул қилган фармонлари ва қарори мамлакатимизда тадбиркорликни кенг қулоқ ёйдириш, ишбилармонлар фаолиятига тўсиқ бўлаётган сансоаларликлар, қозғабозлик каби иллатларни бартараф этишда муҳим аҳамиятга эга.

Шу муносабат билан вилоят ҳокимлигида бўлиб ўтган семинар-кенгашда вилоят ташкилотларининг раҳбарлари, ҳуқуқ-тартибот идораларининг вакиллари, иқтисодиёт тармоқлари корхоналарининг ходимлари, тадбиркор ва ишбилармонлар иштирок этди.

Семинар-кенгашни Қашқадарё-вилоят ҳокими Н.Зайниев бошқарди.

Тадбирда Президент Фармонлари ва қароридан кўзда тутилган мақсад ва вазифалар, уларнинг мазмун ва моҳиятини кенг оммага етказиш, бу соҳада тадбиркорларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, уларнинг тақлифларини ўрганиш, шунингдек, мазкур қарор ва фармонлар ижросини таъминлаш юзасидан келиб чиқадиган вазифалар ҳақида сўз борди. Ўзаро очик мулоқот тарзида ўтган семинар-кенгашда ишбилармон ва тадбиркорлар ўзларини қизиқтирган барча саволларига жавоб олдилар.

БУХОРО. Бугунги кунда вилоятда ишлаб чиқарилаётган янги маҳсулотнинг қарийб 40 фоизи тадбиркорлик ва кичик бизнес субъектлари улушига тўғри келади. Бу кўрсаткич яқин йиллар ичида кескин суръатда ошади. Республика Президентининг «Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизимини янада тақомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, «Микрофирмалар ва кичик корхоналарни ривожлантиришни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги, «Тадбиркорлик субъектларининг хўжалик соҳасидаги ҳуқуқбузарликларни учун молиявий жавобгарлигини эркинлаштириш тўғрисида»ги янги фармонлари ва «Тадбиркорлик субъектлари томонидан тақдим этиладиган ҳисобот тизимини тақомиллаштириш ва уни ноқонуний талаб этганлик учун жавобгарликни қулайитириш тўғрисида»ги қарори бунга қаролат беради.

Вилоят ҳокимлигида ана шу муҳим ҳужжатлар ижросини таъминлашга бағишланган семинар бўлиб ўтди.

Тадбиркорлар даврасида ўтказилган ошкора мулоқотда Президентнинг кичик бизнес субъектларини жадал ривожлантириши янада рағбатлантириш ҳамда унинг иқтисодийдаги аҳамиятини ошириш, ушбу тузилмаларнинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, халқаро амалиётга мувофиқ ҳисобот тизимини янада тақдим этиш тартибларини тақомиллаштириш мақсади кўзланган қарор ва фармонларнинг мазмунини очиб берилди. Ишбилармонлар мазкур ҳужжатларга доир кўпдан-кўп саволларга жавоб олдилар.

Шунингдек, вилоят давлат солиқ бошқармаси, унинг шахар ва туман бўлиmlари ходимларининг юқоридаги ҳужжатлар ижросини таъминлаш, уларнинг моҳиятини тадбиркорларга кенг тушунтириш борасидаги вазифалари белгилан олди.

Тадбирда вилоят ҳокими С.Хусенов иштирок этди.

(ЎзА)

ЙИЛЛАР МАЗМУНИ

Оролбўйи дехқонлари галладан мўл ҳосил етиштириш йўлида баракали меҳнат қилдилар. Дон хирмонларининг юксалиб бораётганлиги эса қайта ишлаш корхоналари фаолиятини такомиллаштиришни тақозо этмоқда.

Шунинг учун «Қорақалпоқдон» акционерлик жамиятида техника-иқтисодий кўрсаткичлар яхшила-ниб, иш сифати ва самарадорлиги ўтган йилларга қараганда бирмунча ошди. Айни чоғда акциядорлар эришган ютуқларни янада мустаҳкамлаш, йўл қўйилган камчиликларни бартараф этиш, муаммоларнинг ечимини топиш йўллари изламоқдалар.

Бош корхона Нукус ун заводи, «Бўстондон» жамоалари мавсумга пухта ҳозирлик кўрган ҳолда келдилар. Бултур 2 миллиард 640 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилган бўлса, жорий йилда бу кўрсаткич қарий 5 миллиард сўмликдан ошади. Халқ истеъмол молларининг тури кўпайиб, сифати яхшиланганлиги умумий даромад ва олинган фойда миқдоридан самарадорлигини таъминлади. Аҳолига 2 миллиард 203 миллион сўмлик халқ истеъмол моллари етказиб берилди, яъни 166,4 фоиз ўсишга эришилди.

Янги технологиялар кенг жорий этилиши, ходимлар малакаси ва моддий манфаатдорлиги оширилганлиги ютуқлар гарови бўляпти. Меҳнат ресурслари ва техника ускуналаридан тўлиқ фойдаланган «Нукус ун заводи» жамоаси ҳар йили 2 миллиард 450,5 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариб, пешқадимликни кўлдан бермапти. Бундан ташқари, корхонада 2 миллиард 644 миллион сўмлик халқ истеъмол

моллари ҳам савдога чиқарилди. Жамият жорий йилда истеъмолчиларга 5 миллиард 158 миллион 867 миң сўмлик маҳсулот етказиб беришни режалаштирган. Хозирга қадар 40 миң тоннадан зиёд дон қайта ишланди, 30 миң тоннадан ортиқ ун савдо тармоқларига жўнатилди. Бундан ташқари, шаҳар, туман бўлимларидан, нон, нон маҳсулотлари, макарон, гуруч, аралаш ем ва бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқариляпти. Утган даврда харидорларга 276 тонна нон етказиб берилиб, 2568 тонна гуруч қайта ишланди. Ширкат, фермер хўжаликлари, савдо ша-ҳобчаларига 6470 тонна аралаш озуқа жўнатилди.

Жорий йилда ширкат, фермер ва дехқон хўжаликлари билан 18 миң тонна дон топириш бўйича контрактация шартномалари тузилди. Корхоналар бошқарув кенгаши ва касабга уюшма кўмиталари ўртасида тузилган жамоа шартномаларида ходимларнинг иқтисодий-ижтимоий манфаатлари, ҳуқуқларини муҳофазалашга қаратилган имтиёзлар ўз ифодасини тогган. Цехлар санатория-гигиена талабларига мувофиқ жиҳозланган. Ишчи-хизматчилар техника хавфсизлиги қоидалари бўйича қисқа муддатли курсларда тайёргарликдан ўтдилар.

Зарарли шароитларда ишлайдиганлар сўт ва сўт маҳсулотлари билан таъминланган. Ёш болалари аёллар учун кўшимча таътиллار таъсис этилган. Кам таъминланган



ИСТИҚОЛ БИРГИН-ИМҚОН

оилаларга моддий ёрдам кўрсатиляпти. 30 дан ортиқ ходим ва 300 дан зиёд болалар сикатгоҳ ҳамда оромгоҳларда дам олиб, соғлиқларини тикладилар.

И.НИШОНОВ

Фахр

Жиззах шаҳри мустақиллик йилларида таниб бўлмас даражада ўзгариб, янги кийфа касб этиб бормоқда. «Боғишамол», «Ором» фаввора мажмуалари, «Истиклол» истироҳат боғи, ўнлаб коллеж бинолари ва бошқа қатор ижтимоий объектлар бугун шаҳар ҳуснига чирой ва кўрк бағишлаб турибди.

Бу каби бунёдкорлик ишларида шубҳасиз, қўлигул қурувчилар меҳнати алоҳида таҳсинга лойиқ. Шулардан бири «Камол» кўп тармоқли хусусий қурилиш корхонаси жамоаси мана саккиз йилдирки, баракали меҳнати билан кўпчилик хўрматиغا сазовор бўлиб келаётди. Дўстлик тиббиёт, Жиззах иқтисодиёт ва транспорт ва санъат, педагогика коллежлари, Форш туман солиқ инспекцияси маъмурий биноси, шаҳардаги 6-мактаб биноси каби ўндан ортиқ йирик иншоотлар мазкур жамоа меҳнати билан қад ростлаб, фойдаланишга топширилди.

Биргина ўтган йили қурувчилар 1 миллиард 300 миллион сўмлик қурилиш-тиклаш ишларини бажаришди. Айни кунда бунёдкорлар Жиззах шаҳрида қад ростлаётган «Меҳр-муруват» шаҳарчасини барпо этишда бош пудратчи сифатида қатнашаляпти.

Иқтисодиётни соғломлаштириш дастурига мувофиқ бундан бир йил муқаддам «Қорақалпоқдон маҳсулотлари» ассоциацияси тугатилиб, бир нечта мустақил ишлабдиган ташкилотлар тузилган эди. Мулк шакли ўзгариши билан жамоалар ишида жиддий силжишлар рўй бери, иқтисодий салоҳият ва моддий манфаатдорлик ортди.

бўлган ҳар бир одам эзгу амалларга қўл уради.

Янгийўллик хусусий тадбиркор ўткир Махмудов ҳам худди шундай инсонлардан. Бу тиниб-тинчимас инсон бундан бир неча йил олдин 9 гектар ер ўзлаштириб, 2000 тупдан зиёд хурмо, олма, беҳи, гилос, шафтоли каби мевали дарахт кўчатлари ўтказганди. Бугунги кунда 10 нафарга яқин кишини доимий иш билан таъминлаш имконини берган сўлим боғ ва узумзорлар ҳосилга кирган.

Суратларга: ишчи Озода Сафарова; боғда ишлов бериш пайти.

Хозиргача ажратилган 530 миллион сўмлик маблағнинг 367 миллион сўми ўзлаштирилди. Ишонинг 2 сменада ташкил этилгани объектни ўз

БУ МУҲТАШАМ БИНОЛАР

вақтида фойдаланишга топширилиши таъминлади. Қурувчиларга уч маҳал иссиқ овқат бериляпти. Хозирда кўзи оғирлашган маҳсул мақта-интернати ўқув корпуси биноси, ошхона, спорт зали, 150 ўринли ётоқхона, ташқи спорт майдончаларида сўнгги пардозлаш ишлари олиб бориляпти.

Шубҳа жамоа Фаллаоролдаги санатория коллежи, Жиззах туманидаги Х.Олимжон номи ўрта мактаб бинолари қурилиши ишларини ҳам поёнига етказишяпти. Уларнинг эришатишган меҳнат муваффақиятида шубҳасиз, ходимларни ижтимоий-иқтисодий ҳимоялаш асосий омил бўлиб қоляпти.

маош 90 миң сўмга тўғри келди. Мухими иш ҳақининг ўз вақтида бериб борилишига эришялмиш. Истиклолнинг 14 йиллигини ёруғ юз билан кутиб олиш асосий мақсадимиз. Ҳамкорларимиз – Бахмал, Жиззах гишт заводлари, Бекобод цемент, Олмалик шифер корхоналари таъминотда узилиш қилмаётгани-

дан мамнунмиз. Б.Махидов, Р.Қан, Д.Сидяров сингари ўнлаб қўлигул қурувчилари билан ҳақли равишда фахрланамиз.

Ушбу жамоа Фаллаоролдаги санатория коллежи, Жиззах туманидаги Х.Олимжон номи ўрта мактаб бинолари қурилиши ишларини ҳам поёнига етказишяпти. Уларнинг эришатишган меҳнат муваффақиятида шубҳасиз, ходимларни ижтимоий-иқтисодий ҳимоялаш асосий омил бўлиб қоляпти.

А.АЗИМОВ, «Ишонч» мухбири

Яхши ишлаб,

яхши

яшаётганлар

Ўзбекқоракўл компанияси таркибидagi «Сайхон» наслчилик ширкат хўжалигининг Кумкўрғон туманида ўзига хос ўрни ва мактеби бор. Чорвачиликка иқтисодлашган эмасми, бу ерда кишини-ёзини иш қизгин, Меҳнатнинг таги роҳат, деб бежиз айтмайдилар. Жорий йилда хўжалик 9852 бош кўзи олишни режалаштирган эди. Ававалги йиллардаги каби бу кўрсаткич ҳам шароф билан бажарилиди. Дарвоқе, ўтган йили ялли даромад 175 миллион 798 миң сўмга етиб, соф фойда 69 миллион 464 миң сўмни ташкил этди. Рентабеллик даражаси 65,3 фоизга етди.

ДАРОМАДГА ЯРАША

Ғалпи иқтисодий кўрсаткичлардан бошланишимиз беҳиз эмас. Зеро, олинган даромадга яраша талайгина ибратли ишлар амалга оширилди. Бошқача айтганда мазкур хўжалик худудиде яшайдиган 2937 нафар аҳоли у ёки бу даражада манфаат кўрди.

Хўжалик касабга уюшмаси жамоа аъзоларига моддий жиҳатдан кўрсатётган ғамхўрликнинг бариси кут-бараканинг ҳосиласидир. Айниқса, ишчи-хизматчиларга ҳар томонлама қўлайлик яратишга катта эътибор қаратилмоқда. Оилавий пудрат асосида фаолият кўрсатилаётганлиги ўз самарасини бермоқда. Хусусан, пудрат бошлиқлари Хуррам Жўраев, Улуғмурод Маматқулов, Бўри Абдурахмонов ва бошқалар тул олиш шартномаларини ортиги билан биринчилар қаторида бажариб, барчага намуна бўлдилар. Хўжалик маъмурияти ва касабга уюшма кўмитаси шартномани бажариб, биринчи ва иккинчи ўринни эгаллаган чўнларга рангли телевизор, учинчи ўрин голибларига қимматбаҳо гилам топширилди.

Ишчи-ҳодимларга ҳар томонлама қўлайликлар яратилган. Мавсумий ишловчилар иссиқ овқат билан таъминланган. Кам даромадли оилалар, ғамхўрлик қариялар ва ногиронлар ҳолидан тез-тез хабар олиб турилибди. Олис қишлоқ йўлларини таъмирлаш, ичимлик суви муаммоларини бартараф қилиш чоралари кўрилмоқда.

Айни вақтда хўжалик худудиде 4 та умумтаълим мактаби мавжуд. Мазкур билим масканларини таъминлаш учун хўжалик ҳисобидан кенгаича маблағ ажратилмоқда. Бундан ташқари, туман болалар спорт жағмарасига 750 миң сўм маблағ ўтказилди. Айтишларича, бу ерда айни вақтда 600 та экспортбоп қоракўл териси тайёрланган. Демак, хўжалик ҳазинаси янада бойийди. Бу эса савоб-талаб ишлар аввалгиданда кўпайишини аналатади.

А.РАҲМОНОВ, «Ишонч» мухбири

Бир Фармон шарофати

Президентимизнинг «Қурилиш материаллари санациясида иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш ва тармоқни жадал ривожлантириш тўғрисида»ги Фармони соҳада кенг қўламли ишларни амалга оширишда муҳим омил бўлди.

Қашқадарё вилоятида хорижий сарможалар иштирокидаги корхоналар фаолиятини ривожлантириш дастури ишлаб чиқилган. Жумладан, «1-темир-бетон буюмлари» корхонаси бозор шароитига мослашиб, ўзининг иқтисодий салоҳиятини оширяпти.

Бундан ярим аср муқаддам Қарши даштидаги қурилишларга йирик панелли

фатни бошқариш тизимини такомиллаштириш режалари тузилди.

Маъқулланган лойиҳа бўйича «Янги турдаги темир-бетон технологияси» масъулияти чекланган жамияти «1-темир-бетон буюмлари» заводи икки йил давомида 255,4 миллион сўм миқдориде инвестиция киритиши билан таъминланган. Ёш болалари аёллар учун кўшимча таътиллари таъсис этилган. Кам таъминланган

ёр маҳсулот тузилган шартномалар бўйича Германияга экспорт қилинади. Яна бир қўлайлиги шундаки, 30 дан ортиқ киши доимий иш билан таъминланади.

Кейинги пайтда қурилиш материалларига эҳтиёж катта. Юртбошимиз Фармонида иқтисодиёт тармоқлари ва аҳолининг қурилиш материалларига бўлган талаб-эҳтиёжларини тўлиқ қондирилишини назарда тутган ҳолда ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтириш ва турини кенгайтириш асосий ва-

завод директори П.Турсуновнинг таъкидлашича, йил бошидан бери умумий қиймати 1691 кубометр темир-бетон буюмлари ишлаб чиқарилиб, истеъмолчиларга жўнатилди. Бултургига солиштирганда, ишлаб чиқариш ҳажми 2 баравар, умумий даромад 10,4 бараварга кўпайди. Доимий ишчилар сони 100 нафарга етди.

Айни пайтда механика-таъмирлаш, қолиплаш, арматура цехлари ва бетон куриш узели уч сменада тўла қувват билан ишлаб турибди. Яқинда йўлқабоп плиткалар ишлаб чиқариш ҳам йўлга қўйилди. Буюртмачилар тўлиб асосида маҳсулотлар тури кўпайиб бораляпти. Тошгузар-Бойсун-Кумкўрғон темирйўли қурилишига 620 миллион сўмлик темир-бетон буюмлари етказиб берилди.

Хуллас, хорижий шериклар билан узаро манфаатли ҳамкорлик ҳам корхонани оёққа турғизди, ҳам янги иш ўринлари яратиш имконини берди.

И.ИСОМУДДИНОВ, «Ишонч» мухбири

ишироқ етдилар.

Тадбирда ёшларда ёт гоёларга қарши соғлом фикр ва ғоя билан кураша олиш қобилиятини юксалтириш таълим-тарбия соҳаси ходимлари, жумладан, педагогларнинг энг муҳим вазифаси эканлиги алоҳида таъкидланди. Бунда ёшларнинг эл-юрт тинчлиги ва оқилолтигини мустаҳкамлаш йўлида янада фаол, ҳушёр ва серғак бўлишини таъминлашга эришмоқ лозим.

Фестивалда санъаткорлар ижросида концерт дастури намойиш этилди. Унда Ватан, мустақиллик, буюк келажак ҳақидаги ашулалар янгради.

Солиқ инсонлар ҳаётлигида бунёд этган гўзал иншоотлар, сўлим боғлар, йўл ва кўприклар улур ўтиб кетгандан кейин ҳам яхшилар номини ёдга солиб туради. Шунинг учун ҳам қалби эзгуликка тўла



КАСАБА УЮШМАЛАРИНИНГ ҲАЙРЛИ ИШИ

Андижон вилояти Қўрғонтепа туманининг кам таъминланган оилаларидан уч юз киши қўшни Фаргона ва Наманган вилоятларидаги «Чимён», «Косонсой» ва «Чортоқ» санаторияларига 18 кунга дам олиш учун жўнаб кетди. Уларга Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси томонидан бегул йўлланмалар берилди.

Вилоятда «Сихат-саломатлик йили» давлат дастурининг иккинчи босқичи ана шу хайрли ишдан бошланди. Бу босқичда 1000 кишини санаториялар ва дам олиш уйларида хордик чиқариш учун бегул йўлланмалар билан таъминлаш режалаштирилган эди. Шундан 250 та йўлланма Қўрғонтепа туманига ва 50 таси Хонобод шаҳрига ажратилди. Бунда ҳар бир маҳалладан ўртача 4-5 киши ўз соғлигини тиклаш

«МИНИТЕХНОЛОГИЯ-2005»

Муллаётчи Тошмухамедов номидаги Қашқадарё вилоят мусикали драма театри биносиде «Минитехнология-2005» кўргазмаси очилди.

Ўзбекистон Савдо-санаят палатаси томонидан ташкил этилган мазкур кўргазмада Австриянинг «Nordert Schaller», Хитойнинг «Chinatech» компаниялари, мамлакатимиздаги «Akvatex», «Sv Co.Ld», «Technofoodservice» ҳамда «ТЭК&К» масъулияти чекланган жамиятлари, «Rumidias» ва «ПГС» хусусий корхоналари, шунингдек, бир қатор ишлаб чиқариш фирмаларининг минитехнологиялари намойиш этилди.

Шу кун минитехнологияларни ишлаб чиқарувчи ва етказиб беришчи компаниялар билан ишбилармонлар ўртасида ҳамкорлик босисиде шартнома ва келишувлар имзоланди.

КАСАБА УЮШМАЛАРИНИНГ ҲАЙРЛИ ИШИ

Яна вилоятнинг қолган туманларидан ҳам 700 кишига йўлланма берилди, - дейди Андижон вилояти касаба уюшмаси кенгаши раиси Қодиржон Париев. - Дам олиш жойига етиб бориш ва у ердан қайтиб келиш муаммоларини алоҳида ҳоқимликлар ўз зиммасига олган. Шу билан бирга, улар санаторияларда дам олувчилар нафақат даволашиши, балки вақтинчи кўнгилли ўтказиши учун ижодий жамоаларнинг концертларини ҳам ташкил этди.

(ЎЗА)

ЗАМОН ВА ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ

Мамлакатимизда Президент Ислам Қаримов раҳнамолигида ёш авлоднинг қўлини инсонлар этиб воғда етказиш ишига алоҳида эътибор қаратиляпти. Зеро, юрт келажиги, Ватан тақдирини соғлом фикрли ёшлар белгиляпти. Шу боис уларни Ватанга муҳаббат ва садоқат руҳида тарбиялаш, зарарли ғоялар теъсиридан асраб-авайлаш таълим-тарбия соҳасидаги энг муҳим вазифалардандир.

Абдулла Авлоний номидаги халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва малака-

сини ошириш марказий институтиде «Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди» мавзуда ўтган ёшлар фестивалида ана шу ҳусусида сўз борди. Уни Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати - Ўзбекистон Либерал-демократик партияси республика болалар жағмараси билан ҳамкорликда ташкил этди. Анжуманда Қорақалпоқiston Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридан халқ таълими ходимлари, иқтидорли ўқувчи ва талабалар, мамлакатимизнинг фаол ёшлари, кенг жамоатчилик вакиллари

ЖИНОЯТ ИЛДИЗИ

«Клубничный» кўчасида жойлашган дала ҳовлисида Алишер ташриф буюрганида, уни очикўнгиллик билан кутиб олди ва иззатини жойига қўйиб, стол устига борини қўйди. Меъзон билан меҳмон тоза отамлашдилар. Сўнг Алишернинг кайфи ошди, шерга айланди. Оғзиндан боди кириб, шоди чиқди. Пировариди меъзон уни хайдаб чиқарди. Бирок, Тошев деганларини анвойилдан эмас экан. У шердек бўкириб, эшикни

қарсиллатиб тепа бошлади. Сергей эшикни очди. Азбаройи жаҳл отига минган Алишер ичкари қирди-ю, меъзоннинг юз-кўзи аралаш кетмакет мушт тушираверди. Шўрлик Сергей «ошна»сининг кучли зарбаларига дош беролмай, ерга қулади. Меҳмон шу билан ҳам қийофаланмай, четда турган тахтани олиб, унинг бош қисмига 5 - 6 марта бопплаб туширди. Шунинг

қарсиллатиб тепа бошлади. Сергей эшикни очди. Азбаройи жаҳл отига минган Алишер ичкари қирди-ю, меъзоннинг юз-кўзи аралаш кетмакет мушт тушираверди. Шўрлик Сергей «ошна»сининг кучли зарбаларига дош беролмай, ерга қулади. Меҳмон шу билан ҳам қийофаланмай, четда турган тахтани олиб, унинг бош қисмига 5 - 6 марта бопплаб туширди. Шунинг

Қонун барчага баробар

ганимиздек, жиноятга қўл ураётганларнинг аксарияти муқаддам судланганлар ва спиртли ичимликка ружу қўйганлардир. Жумладан, муқаддам 2 марта судланган, профилактика ҳисобиде туррадиған фуқаро В. Ғалахов Зарафшон 2-кичик тумани 29-уй, 62-хонада яшайдиган А. Қуриновни қасддан ҳовлилар жамияти худудиде ноубуд қилди. 5 бора муқаддам судланган Д. Ефимов қингир йўллар билан боилк орттириш мақсадиде меҳнат фахрийси А. Линскянининг уйига бостириб кириб, унга ваҳшийларча ташланди. Зарафшон шаҳар 11-кичик тумани 27-уй, 2-хонада яшовчи А. Шегольков ўзи яшайдиган хонадонда фуқаролар Н. Бабурова ва С. Тошевларнинг жонига қасд қилди. Жорий йилнинг 23 май кун соат 17.00 ларда Зарафшон шаҳар 12-кичик тумани, 30-уй, 63-хонадон бекаси Манзура Жалилова турмуш ўртоғи Қувват Жалиловни узаро келиб чиққан оилавий жанжал оқибатида ошона пичоғи билан тиклоқди. Аслида унинг кўнглида бундай ният йўқ эди. Жаҳл кўзларини кўр қилди.

Қ.АХМЕДОВ, Зарафшон шаҳар прокурори

Кўмита аъзоларининг ҳозирги кунда амалга ошираётган ишлари билан таништираемиз.

– Ўзбекистон Республикасининг «Табиати муҳофазат қилиш тўғрисида»ги қонуни амалда қандай бажарилаётганини назорат қилиш кўмитаси зиммасидаги бош вазифа ҳисобланади. Биз ана шу ва бошқа меъёрий ҳужжатлар асосида иш юритамиз, шу масалага оид ҳукумат қарорлари амалга оширилиши кузатиб борамиз. Шу йилнинг ўтган 5 ойи мобайнида кўмитаси назоратчилари томонидан республика назорат органлари фаолиятини мувофиқлаштирувчи кенгаши тасдиқлаган режа-жадвалга асосан ҳужжалик юритувчи субъектларда текширишлар ўтказилди. Уларда аниқланган камчиликларни бартараф қилиш учун давлат назоратчилари томонидан 450 та мажбурий кўрсатмалар берилиб, ижроси назоратга олинди. Режалар текширишлар ва табиати муҳофазат қилиш ишларига мутасадди ташкилот ва корхоналар билан келишиб, ўтказилган рейдлар давомида қонунбузарлик ҳолатларига йўл қўйган 423 шахсга маъмурий жарималар солинди.

– Табиатга, умуман атроф-муҳитга зийн етказиб қўйган ҳақида гапириб ўтсангиз.

– Мисол учун Наманган шаҳридаги «Хуршидбону» кичик корхонасини олайлик. Бу ердаги охионаларнинг идиш-товуқ ювиш шецидан йил бўйи ифлосланган оқова сув очик об-ҳаёт ҳавзаларига оқизиб ёки ерларни ифлос-

лантириб келинган. Тўрақўрган туманидаги «Покиза» кичик корхонаси ҳам ўз номига яраша иш қилмаган. «Наманган ғўшт» вилоят акциядорлик жамиятига қарашли Халқобод шаҳридаги «Қушона», Қосонсойдаги «Раҳмони», «Нозима», Чустдаги «Пахлавон» фирмалари ҳамда Қосонсойдаги бўр ишлаб чиқариш цехларида атроф-муҳитга зийн етказиш ҳоллари мавжудлиги учун фаолиятлари вақтинчалик тўхтатилди.

– Атроф-муҳит деганда, таби-

рувчи моддаларни белгиланган меъёрдан ортиқча ташлаш ҳолатлари аниқланди. «Намангандон» ҳиссадорлик жамиятининг дон қабул қилиш бўлимида белгиланган меъёрдан 1,8 марта, «Ўзрам-томёққич» ашёлари ҳиссадорлик жамиятининг корхонаси мўрисида азот оксиди 1,2 марта, углерод оксиди 1,1 марта ошганлиги аниқланди. Қўғай пахта тозалаш корхонасининг чанг-газ тозалаш қурилмаси эса самарасиз ишлаётганлиги маълум бўлди. Корхонанинг ман-

дириб олинди. Аниқланган камчиликларни бартараф этиш бўйича кўрсатмалар берилди.

Вилоят атмосфера ҳавосини муҳофазат қилиш давлат инспекцияси назоратчилари, вилоят йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармаси ва «Экохаёт» илмий ишлаб чиқариш корхонаси ходимлари билан ишлаб чиқилган тадбир асосида автомагистрал йўлларда 22300 та транс-

Долзарб мавзу

АТРОФ-МУҲИТГА ЗАРАР ЕТКАЗГАНИ УЧУН

Наманган вилояти табиатни муҳофазат қилиш кўмитаси раиси Мадамин Хошимхўжаев билан мулоқот

атни, биз нафас олаётган ҳаво ҳам кўзда тутилади. Кўмитанинг шу йўналишдаги фаолиятига ҳам тўхтайсизми.

– Дарҳақиқат, кишининг соғлом бўлиши нафас олаётган ҳавомизга ҳам боғлиқ. Шу боис бу масалага ҳам эътибор бериб келмоқдамиз. Масалан, йилнинг биринчи ярми мобайнида атмосфера ҳавосини ифлослашини назорат қилувчи бўлими томонидан мониторинг дастурига киритилган 11 та корхонадан 585 та ҳаво намуналари олиниб, шулар асосида 195 та кимёвий таҳлил ўтказилди. Натижага кўра 4 та корхонада ифлосланти-

порт воситаларидан ташланаётган газ миқдорини ўлчадилар. Натижада 2250 та автомобилдан чиқаётган газ миқдори белгиланган меъёрдан ортиқ эканлиги аниқланди ва улар фаолияти вақтинча тўхтатиб қўйилди. Шу билан ҳавога каттагиридан 134 та намуна олиниб кимёвий таҳлил ўтказилди. Бундан ташқари, «Ўзрамёққичашёлари», «Марвел Джус Ко» қўшма корхонасига қарашли ва «Ҳири ипаги» ҳиссадорлик жамиятига қарашли оқова сув тозалаш иншоотлари самарасиз ишлаётганлиги Шунинг учун мазкур корхоналарнинг 5 нафар мансабдор шахсларидан жарима ун-

дириб олинди. Аниқланган камчиликларни бартараф этиш бўйича кўрсатмалар берилди.

Вилоят атмосфера ҳавосини муҳофазат қилиш давлат инспекцияси назоратчилари, вилоят йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармаси ва «Экохаёт» илмий ишлаб чиқариш корхонаси ходимлари билан ишлаб чиқилган тадбир асосида автомагистрал йўлларда 22300 та транс-

га қисқартиришга эришилди. Қишлоқ ҳўжалик корхоналари томонидан 125 қарим узунидаги ариқ ва зовурлар тозаланиб, 300 миң кубометр ҳажмда тупроқ ишлари бажарилди. 610 гектар ернинг меъороти холати яхшиланди.

– Ҳиссадорлик жамиятининг дунёсининг инсон саломатлигини сақлаш, умрини узайтиришдаги хизмати беқийсдир. – Шундай экан, бу борада қандай ишлар олиб боришда?

Инсоннинг ўсимлик ва ҳайвонот оламида яшашлиги гоят мушкул. Шунинг учун ҳам фаолиятимизнинг катта қисми шу соҳа билан боғлиқ. Бинобарин ушбу йўналиш бўйича ҳам назоратчиларимиз томонидан яхшигина ишлар қилинмоқда. Ҳақиқатан ҳам назоратчиларимиз Мингбулак туманидаги «Кадио» фермер ҳўжалиги ўз ҳудудидаги даракларни ноқонуний кесганлиги аниқланди. Ахир уларни чўл шароитида ўстириб вояга етказиш осон келганми? Ноқонуний ҳаракатлари учун дарак кесарларга 4 миллион 516 миң «Ихло субхидам» фермер ҳўжалиги томонидан ноқонуний кесилган 27 тул толга 869 миң 569 сўм жарима солинди. Шу тўғрисида фуқаролари М.Ташбаева, Х.Жўраев, К.Собировга ва Попадаги «Навбахор» ширкат ҳўжалиги ҳам ноқонуний хатти-ҳаракатлари учун жазоланди. Бу ҳолатлар бўйича ҳўжатлар жамлашиб, ҳойлардаги прокуратура органларига тақдим қилинди.

О.ЖУМАНАЗАРОВ, «Ишонч» мухбири

ХИТОЙ - 2008 ЙИЛГИ ОЛИМПИАДАГА ҚЎШИМЧА 40 МИЛЛАРД ДОЛЛАР САРФЛАЙДИ

Хитой ҳукумати 2008 йилги олимпиадага тайёрлашни ишларига 40 миллиард доллар қўшимча маблағ ажратишга қарор қабул қилди.

Бу сума ички ва ташқи бозордан олинади. Маблағ 86 та янги объектлар қурилишига ишлатилади. Олимпиада бюджетига янги объектлар қурилиши учун 2 миллиард доллар ажратилган. Бу маблағ бор объектларни реконструкциялаш учун мўлжалланган.

Пекин 38,7 миллиард доллар маблағни қўшимча ишлатади. Унинг ярмидан кўпроги ерости ишларига, метро линиялари, пойтахт кўчаларида транспорт қатновини тезлаштириш ва бошқа транспорт лойиҳалари учун сарфланади.

Шоҳмат

СЕРГЕЙ КОРЯКИН ЯГОНА ПЕШҚАДАМ

Польша пойтахти Варшавада шоҳмат бўйича ўтказилаётган Европа чемпионатида 229 та шоҳматчи иштирок этапти. Шулардан 33 таси Россия вакилидир. 34 нафар чемпионатнинг кучли шоҳматчилари ФИДЕ келажакда ўтказиладиган жаҳон чемпионатида йўлланма оладилар. Мусобақа Швейцария чемпионатида ўтказилмоқда. Кўни кеча ўтказилган 10-турда украинлик Сергей Корякин ҳамюрти Александр Моисенко оқ доналарда мағлуб этиб, ўз очколарини 8тага етказди ва ягона пешқадам бўлиб олди. 10-турдан сўнг Василий Иванчук (Украина), Дитер Нисипяну, Вадим Нилов (Швейцария), Карен Асрян (Арманистон) 7,5 тадан очко тўплаганлар. Россиялик шоҳматчи Алексей Дреев 7 очкога эга.

МАЙКЛ АДАМС КОМПЬЮТЕРГА ҚАРШИ

Лондонда британиялик машҳур шоҳматчи Майкл Адамс билан компьютер ўртасида олти учрашувдан иборат матч ўтказилди. Беш учрашувда ЭВМ ғолиб чиқди. Бир учрашувда дуранг қайд этилди. Шу кунгача Гарри Каспаров ва Владимир Крамник компьютер билан тенгма-тенг ўйнаш мумкин деб юрардилар. 2005 йилнинг июн ойи

Спорт оламида

тарихий сана бўлиб қолиши мумкин. Кўп йиллардан буён жаҳон шоҳмат рейтингига кучлилар сафига юрган британиялик гроссмейстер Майкл Адамс дунёда энг кучли шоҳматчи бўлмаса ҳам асаби мустаҳкам тезкор шоҳматчи ҳисобланади. Унинг компьютерга матчни бой бериши муҳлислар томонидан одамат кучли электрон ҳисоблаш машиниси - компьютерини ютиш мумкин эмас, деган ҳулосага келди.

Теннис

МАРИЯ ШАРАПОВА «УИМБЛДОН» ЯРИМ ФИНАЛИДА

Россиялик теннисчи чорак финалда Надежда Петровага мағлуб этиб, турнирнинг ярим финалига чиқди. Учрашувдан сўнг Мария Шарапова Петровага қарши ўйнаш осон бўлмади, мен бу учрашувга жиддий тайёргарлик қўйган эдим. Бошқа чорак финалда россиялик теннисчи Анастасия Мискина Амели Моресмога учрашувни бой бериб қўйди. Моресмо турнирда шу кунгача биронта сетни ютқизгани йўқ. Россиялик теннисчи Светлана Кузнецова жаҳон рейтингига биринчи ўринни эгаллаган Линдси Девенпортга 6 - 7, 3 - 6 ҳисобида имкониятни бой берди.

Мухаммадлик бокс бўйича собиқ жаҳон чемпионлари каби ўзининг кийимлар коллекциясини ишлаб чиқаришни йўлга қўйди. Сўнгги пайтларда ўз номларидаги кийимларни Жорж Формен (кийим ва пойабзал гавадли эркаклар учун), Оскар Да Ла Хойя (спорт кийими) ва Рой Жонс (кичиғи) чармдан, мўйнадан ва аъло газламадан кийимлар чиқармоқда. Бундан ташқари Рой Жонсда спорт кийимларини ишлаб чиқарадиган «Найк» фирмаси мавжуд. Энди уларга машҳур боксчи Мухаммадали қўшилди. У ўз лойиҳасини 2001 йилдан бери «Адидас» компания билан биргаликда амалга оширмоқда. Бу коллекцияга кирган барча кийимлар ва бўюмлар график-принтлар ва аппликациялар билан безатилган.

УЕФА КУБОГИ МУСОБАҚАЛАРИГА ШВЕЙЦАРИЯНИНГ НЬОН ШАҲРИДА ЖОЙЛАШГАН УЕФА ҚАРОРГОҲИДА

ҚУРЪА ТАШЛАНДИ

- 1- САРАЛАШ БОСКИЧИ:**
Марказий-Шарқий гуруҳи:
«Ференцварош» (Венгрия) - «МТЗ-РИПО» (Белорус)
«Бананс» (Арманистон) - «Локомотив» (Тбилиси)
«БАТО» (Белорус) - «Торпедо» (Грузия)
«Вадуц» (Лихтенштейн) - «Дачия» (Молдова)
«Боку» (Озарбайжон) - «Жилина» (Словакия)
«Майнс» (Германия) - «Мика» (Арманистон)
«Нистру» (Молдова) - «Хазар» (Озарбайжон)
- Жанубий-Уртаер денгизи гуруҳи:**
«Башкими» (Македония) - «Жепче» (Босния)
«Биркиркара» (Мальта) - «АПОЭЛ» (Кипр)
«Сант-Хулия» (Андорра) - «Рапид Бх» (Руминия)
«Теута» (Албания) - «Широки Бриег» (Босния)
«Эльбасани» (Албания) - «Вардар» (Македония)
«Хайбернианс» (Мальта) - «Омония» (Кипр)
«Доманьяно» (Сан-Марино) - «Домжале» (Словения)
- Шимолий гуруҳ:**
Бестманнаэйяр (Исландия) - «Б-36 Торсхавн» (Фарер)
«Альянсис» (Финляндия) - «Петанж» (Люксембург)
«Линфилд» (Ш.М. Ирландия) - «Вентс-пилс» (Латвия)
«Рунавуйк» (Фарер) - «Металлург Лп» (Латвия)
«Эцелла» (Люксембург) - «Кефлавуйк» (Исландия)
«Эльбасани» (Норвегия) - «Портадаун» (Ш.М. Ирландия)
«ТФМК» (Эстония) - «ЮФПА» (Финляндия)
«Рил» (Уэльс) - «Атлантас» (Литва)
«Эсбьерг» (Дания) - «Флора» (Эстония)
- Учрашувлар 14- ва 28-июл кунлари бўлиб ўтади.

Т.ЮСУПОВ тайёрлади




МАЖМУА ҚУРИЛМОҚДА

Бухоро вилоят марказидаги «Сомонийлар» боғида бунёд этилаётган замонавий спорт мажмуасининг биринчи навбати фойдаланишга топширилди.

«Бухорогазасаноатқурилиш» ҳиссадорлик жамияти бунёдкорлари барпо этган икки теннис корти, минифутбол, волейбол ва баскетбол майдонларини спорт анжомлари билан жиҳозлаш учун Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси вилоят филиали бир ярим миллион сўм маблағ ажратди.

Мажмуа биринчи навбатининг очилиши муносабати билан бу ерда катта спорт байрами ўтказилди. Вилоят хотин-қизлар кўмитаси ҳамда маданият ва спорт ишлари шахар бўлими ҳамкорликда кураш, теннис, футбол ва бошқа бир қатор қизиқарли мусобақалар ташкил этди.

(ЎЗА)



Китоб туманидаги «Кувонч» мактабгача таълим муассасида «Болалар боғчасида ривожлантирувчи муҳитни ташкил этиш усуллари» мавзусида амалий семинар бўлиб ўтди. Туманлар ҳамда шаҳарлардаги мактабгача таълим муассасалари мудирилари, услубчи ҳамда ҳамширалар иштирок этган ушбу семинар машғулотларида ёш авлодни соғлом вояга етишини таъминлаш, «Учинчи минг йиллик боласи» давлат дастурининг ижроси юзасидан кенг қамровли масалалар муҳокама этилди.

БОҒЧАДА ИНГЛИЗ ТИЛИ МАШҒУЛОТИ

Тарбиячилар мактабгача ёшдаги болаларга илк иқтисодий билим қўйималари, йўл ҳаракати қоидалари, уларнинг санъат ва спортга бўлган қизиқишларини ошириш юзасидан кўргазмалар кўрсатилган билан иштирок этишди. «Энг яхши кўргазмалар кўрсатилган» кўрик-танловда «Кувонч» боғчаси биринчи, иккинчи ва учинчи ўринларга эса «Лола» ва «Пахтаой» мактабгача таълим муассасалари сазовор бўлишди.

Туманидаги боғча тарбияланувчилари «Соғломжон - полвонжон», «Севимли ўйинчоқлар», «Одобинг-офтобинг», «Болалигим - пошшоллигим» каби вилоят кўрик-танловларида юқори ўринларни эгаллаб келишмоқда, - дейди халқ таълими бўлими услубчиси Г.Сайдалиева. - Айниқса, «Лочин», «Лола», «Наврўз» каби боғчаларимиздаги шароитлар ота-оналарга манзур. Бу даргоҳларда болакайларнинг соғлиғи доимий назоратга олинган. Тумани молия бўлими томонидан 27 та мактабгача таълим муассасаларига 87 миллион 200 миң сўмдан зиёд маблағ берилди.

Шаҳрисабз туманидаги 37 сонли «Шодлик» мактабгача таълим муассасаси туман марказидаги баҳаво жойлардан бирида жойлашган. Бу ерга қатнайдиغان 180 нафар болакайлар учун барча шароитлар муҳаббат. Айни ёз палласида бассейнда чўмилиб, ҳордик чиқараётган болакайларни кўриб ҳавасингиз келадди. Муассасада ташкил этилган инглиз, рус тили, спорт тўғрисидаги услубчи Зебо Мухаммадиевнинг ташаббускорлиги боис машғулотлар жонланиб кетди.

Шаҳрисабз тадбиркорлар юрти ҳисобланади. Ҳозир ҳам улар томонидан туманда 71 та болалар боғчаларига хомийлик кўмаги кўрсатилмоқда. Туман маҳаллий бюджетдан мактабгача таълим муассасаларига озиқ-овқат маҳсулотлари хариди учун 155 миллион 793 миң сўм ажратилди. Бу турдаги маҳсулотларни етказиб беришга туман «Улғуржи таъминот» масъулияти чекланган жамиятининг ҳиссаси катта.

– Таъминот корхонамиз бир неча йилдан буён туманидаги халқ таълими, соғлиқни сақлаш муассасаларига, шунингдек, иқтисодий таъминот бўлимида рўйхатда турган боқувчиларини йўқотган, ёлғиз қариларга сифатли озиқ-овқат маҳсулотларини етказиб беришда, - дея сўхбатни давом эттирдилар қорхона раҳбари Саид Турсунов. - Деҳқон-фермер ҳўжалиқлари, қайта ишлаш корхоналари билан доимий алоқанда бўлиб, улар етказиб беришга маҳсулотларни мавжуд жиҳозланган омборлар орқали истеъмолчиларга етказиб беришмоқдамиз.

«Феруза», «Оруз», «Олтин қалитча» каби боғча мажмуалари Қосон туманидаги энг яхши таълим-тарбия муассасаларидан ҳисобланади. Бу ерда жажилар «Саломатлик алифбоси» дастури асосида эрталабки бадантарбия машғулотлари, одоб-ахлоқ қоидаларини пухта ўзлаштиришмоқда. Бундан ташқари, мактабгача таълим муассасаларида ташкил этилган фитобарларда кичкинтойлар тоғ гўбҳари ва шифобахш ўсимликлардан тайёрланган дамламалардан истеъмол қилишади.

Х. КОДИРОВ, «Ишонч» мухбири

ИМТИЁЗЛИ ЙЎЛЛАНМА

Бухоро вилоятида бу йил болаларни ёзги соғломлаштиришга катта эътибор қаратилмоқда. Хокимлик ҳамда қасаба уюшмалари вилоят бирлашмаси белгилаган тадбирга асосан жорий йилда меҳнат-қашларнинг 17 миңдан ошиб фарзандлари энг гўзал, сўлим ва хуш-ҳаво гўшаларда дам олдирилади. Бунинг учун барча тайёргарлик ишлари вақтида амалга оширилди. Хусусан, «Бухоро вилоятгаз» корхонасида бу йил ёзда ишловчиларнинг 150 нафар фарзандлари корхона ҳисобидан дам олдирилиши режалаштирилган.

Газчилар соғлом авлодни шакллантиришдек хайри ишга муносиб ҳисса қўшмоқда. Бухоро шаҳридаги 12-мактабдаги кам таъминланган оилаларнинг 12 нафар фарзандлари корхона ота-

лигига олинган бўлиб, шу йилнинг ўтган даври мобайнида - уларга 500 миң сўмлик ёрдам кўрсатилди. Халқаро бола-ларни ҳимоя қилиш кўни муносабати билан корхона ишчи-хизматчилари фарзандларининг бир кунлик савҳати ҳаражатлари тўлиқ корхона ҳисобидан қопланди.

Қасаба уюшма кўмитаси маданият, спорт тадбирлари ҳам алоҳида эътибор қаратмоқда. Ҳар чоракда «Ўз қасбининг устаси» кўрик-танловлари ўтказилиб, ғолиблар моддий ва маънавий рағбатлантирилмоқда. Корхонанинг Бухоро филиалида жойлашган спорт мажмуида спортнинг барча турлари бўйича мусобақалар мунтазам ўтказилиб боришмоқда. Жамоа вилоятдаги «Турон яққа кураши» ҳам ҳоимийлик қилмоқда.

С.АЪЗАМОВА, «Ишонч» мухбири

Ёзги соғломлаштириш — юксак масъулият

Навоий вилоят хокимлиги ва қасаба уюшмалари белгилаган тадбирга асосан бу йил ўтган даврга нисбатан анча кўпроқ болани дам олдирилиши режалаштирилган.

Жумладан мажмуида таълим ва фан ҳодимларининг 1200 нафардан ортиқ фарзанди турли оромгоҳларда ҳордик чиқариладилар. Уларга ҳаммаси бўлиб 15 миллион 480 миң сўм сарфланиши мўлжалланган. Шуниси мумкин, дам олувчиларнинг аксариятини кам даромадли оила фарзандлари ташкил этади. Уларга йўлланмалар имтиёзли тарзда берилмоқда.


Таълим ва фан ҳодимлари қасаба уюшма Нурота туман кўмитаси чорвадор фарзандларининг мазмунида дам олишларини ташкил қилиш мақсадида барча имкониятларни ишга солмоқда. Бу йили туманда биринчи бор амалий таъсирли санъат лицейи қошида 75 ўринли «Умид», Нурота

нингдек, 105 бола вилоятдаги «Ўзбекистон», «Лочин», «Офтобжон» оромгоҳларида ҳордик чиқариладилар.

Я.САРИЕВ, «Ишонч» мухбири

ОРОМГОҲДА ЧОРВАДОРЛАР ФАРЗАНДАРИ

қишлоқ ҳўжалик касб-хунар коллежи тасарруфида эса 75 ўринли «Шодлик» оромгоҳлари иш бошлади. Шу-



Касби туманидаги Алишер Навоий номидаги таърибу ҳўжалиги галлазорларида бу йил мўл-кўл дон етиштирилди. Ҳўжалик миришкорлари 1100 гектар майдондаги галла ўрими-ғимини туманда биринчилардан бўлиб бошлаб, ҳар йилдагидек, режани барвақт урдаладилар. Ҳар гектаридан олинган ҳосил 60-70 центнерни ташкил этмоқда.

Бу ишда замонавий механизмлар кучидан самарали фойдаланилди.

Суратларда: ҳўжалик галлазорларида.

ИНФОРМАЦИЯ

о существенных фактах (событиях, действиях), затрагивающих финансово-хозяйственную деятельность эмитента

ОАО «GAZAVТОМАТИКА»

Порядковый номер сообщения - 10
Изменения в персональном составе должностных лиц: орган управления эмитента, в котором произошли изменения:

Наблюдательный совет -

Фамилия, Имя, Отчество	Доля участия в уставном фонде эмитента, %
1. Бекбаев Бахадир Габидуллаевич	нет
2. Литвак Сергей Григорьевич	нет
3. Мухамеджанов Муроджон Абдугафиевич	6,0
4. Усманов Жора Эргашевич	нет
5. Файзиев Хомидхон Мухаханович	нет

Исполнительный орган -


Избран Генеральным директором Исмаилов Ботир Усманиевич сроком на 1 год - доля участия в уставном фонде эмитента - нет.
- дата, в которой произошли указанные изменения: 30 июня 2005 года
- уполномоченный орган эмитента, принявший решения, являющееся основанием указанных изменений: Годовое общее собрание акционеров.

ШАНБА — ДАМ ОЛИШ САҲИФАСИ

Мафтункор гўшалар ТОғлар бағри оромбахш

Қашқадарёдаги болалар оромгоҳлари ям-яшил арчазорларга бурканган мусоффо ҳаволи Хисор ва Зарафшон тизма тоғлари бағрида жойлашган. Пастда тўқинлиб дарёлар оқади, сершоқин шаршараларнинг овози эшитилиб туради.

Қадимий ва ҳамиша навқирон Шахрисабзнинг яшил даракзорларида жойлашган «Беруний» оромгоҳида мавсумда 1600 дан ортиқ ўғил-қиз дам олади. «Хисорлидиз нефт газ кидирув экспедицияси унтар шубба корхонаси» тасарруфидида мазкур оромгоҳда дам олувчилар учун ҳамма шароитлар яратилган.



Келажагимиз ворислари ёзи таштини мароқли ва мазмунли ўтказишлари учун барча қулайликларни яратиб бердик, - дейди корхона раҳбари Қобулжон Тўхтаев. - Вилоят қасаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши билан ҳамкорликда янги ҳимозлар келтирилди. Корхона томонидан замонавий компьютер ва спорт анжумлари тақдим этилди.

Тарбиячи Гулнора Бобомуродовани навбатдаги машғулот пайтида учратдик. Бир томонда теннис ўйинлари, иккинчи ёнда волейбол мусобақалари давом этмоқда. Қўшни Бухоро вилояти ва Қорақалпоғистон республикасида келган 200 дан ортиқ ўғил-қиз мириқиб дам олишяпти. Мингдан ортиқ китоб фондида эга кутубхона, «Манавият ва маърифат» маркази, спорт майдончаси, чўмилиш хавзаси улар хизматида. Кутубхонага 200 минг сўмлик янги адабиётлар келтирилди, 100 минг сўмлик даврий нашрга обуна бўлинди.

«Манавият ва маърифат» маркази, спорт майдончаси, чўмилиш хавзаси улар хизматида. Кутубхонага 200 минг сўмлик янги адабиётлар келтирилди, 100 минг сўмлик даврий нашрга обуна бўлинди.

Дам олувчиларни зериктирмаслик учун кўнгличар тадбирлар, кўрик-танловлар, спорт мусобақалари ўтказиб турилади, - дейди биз билан суҳбатда оромгоҳ раҳбари Лутфулла Каримов. - Айниқса, Шахрисабзнинг диққатга сазовор жойлари ва тарихий обидаларига уюштирилган саҳнатлар болажонларда катта таассурот қол-

дирди.

Турли миллат фарзандлари хордиқ чиқараётган кўркам масканда амалга оширилаётган ибратли ишлар кишига қувонч бағишлайди.

Мироқи кўрғонидидаги «Шўртангазим» мажмуасига қарашли «Лочин» болалар оромгоҳи 2 миллиард сўмликдан ортиқ маблағ сарфланиб, халқаро андозаларга мос қилиб таъмирдан чиқарилди. 420 ўринли мухташам қошо-нада бунёд этилган ҳар бир бино ўзининг бетакорлиги билан ажралаб туради. 14 та ётоқхона, 30 кишилик меҳмонхона, тиббиёт пункти, клуб, кутубхона, спорт майдонлари, болаларнинг ёшларига мўлжаллаб қурилган сузиш хавзалари, ошхона ва бошқа иморатлар дид билан безатилган. «Эртақлар шахарча» си кишида қизиқиш уйғотади.

Ҳар томонлама қулайликка эга бўлган ошхонада қўлигул ошпаз Зоҳиржон Олимов ва унинг ҳаммасблари тайёрлаётган таомлар болаларга манзур бўлмоқда. Шу ёрнинг ўзига кунига 600 дона иссиқ нон, ширин кулча, қандолат маҳсулотлари тайёрлайдиган цех ҳам ишлаб турибди.

АЙЛАНМА СКАНВОРД

Авто марка	Кўнур нави	Хунар	Жануб дарахти	Спорт майдони
Вакт ўлчови	Ширинлик	Қозоқ шоври	Кон тония	Немс шоври
Харбий техника	Гул	Осаё даги тоғ	Мақом	Физик зарра
Эстрада турмуши	Билан дон	Судариб оради	Садокат	Шартли белги
Заргар тоши	Хўла мева	Элек-трот	Ушк бағиш-дан	Нарвоз моддаси
Яхна таом	Товуш	Бурж	Яхна лой-такти	Торли соз
Санъат	Хўла мева	Учов бирлик	Гул	Дарахт

Тузувчи: Ф.ОРИПОВ

ДОНОЛАР БИСОТИДАН

Ёмғир дарахт баргларидаги чангу губорни ювгани каби гимнастика жим губорини тазолайди.

Гиппократ — олтиндан қиммат.

Вильям Шекспир Ҳар қандай одамга унинг қилган ишларига қараб баҳо бериш керак.

Сервантес Болаларингизга яхшиликни синдириб ўстиринг, уларга бахтни фақатгина шу фазилат беради.

Людвиг ван Бетховен Маъна соғлом бўлиш учун жисмонан бардам бўлмоқ керак.

Лев Толстой Миллатнинг келажаги оналар қўлидадир.

Бальзак Гўзаллик туйғусини синдирмай туриб, баркамол инсонни воғга етказиш мумкин эмас.

Робиндранат Тагор Умр бизга уни сўнгги дақиқаларга қадар мардона химоя қилиш шарти билан берилган.

Чарлз Диккенз Руҳ қалъасини сақлаб қолиш учун жисм қалъасини мустаҳкамлаш зарур.

Виктор Гюго Бахтимизнинг ўндан тўққиз улуши саломатлигимизга боғлиқ.

Артур Шопенгауэр

Ҳаётий тажрибалар ва олимларнинг ҳулосалари шундан далолат бермоқдаки, одамзод дунёга келиб неки топан бўлса, ҳаё ва ибто туйғули, неки йўқотган бўлса, ҳаёсизлик ва ибосизлик туйғулидир. Кўз ўнгимизда рўй бераётган ёки юз бериб улгурган ҳам молдий, ҳам маънавий қулфатларнинг бошланиш нуқтаси ҳам кишилар ўртасида ифбат ва ҳаё пардасининг кўтарилиб кетганлигига бориб тақалади. Зеро, бу туйғу инсон деб аталмиш энг сирли мўъжизани ҳайвонот дунёсидан фарқлайдиган, табиат ва жамият мувозанатини сақлаб турадиган энг нозик, энг илоҳий туйғудир.

«Вафосизда ҳаё йўқ, ҳаёсизда вафо йўқ» деганларидек, қадимдан ота-болаларимиз беҳаёллар базидан, беиболар суҳбатидан ўзани йироқ туттиш лозимлигини қайта-қайта таъкидлаганлар ва «Ҳаёсизлар йиғилган ерда ҳаёлилар тоққа қочар» қабилидаги пурхикмат ўғитларни айтиб кетганлар.

Ҳўш, биринчи мартаба дуч келган кишинингизнинг ҳаёли ёки ҳаёсиз эканлигини, у билан дўст тутишни, суҳбат қилиш мумкин ёки мумкин эмаслигини илк учрашувдаёқ билса бўлади? Унда Сизга нима ёрдам беради?

Айтишларича, ҳаё кўздан билинур. Зеро, «агар кўз бошқа нарсани ифодалас, тил бошқа нарсани гапирса, кўпни кўрган одамлар кўзга ишондилар» (Р.Эмерсон). Чунки кўз ришталари қалб ришталари билан туташ бўлиб, одамнинг кўнглидан неки кенча, буларнинг барчаси унинг кўзларида зоҳир бўлиб туради.

Яхшиямки, ошиқларни уйллатган, шоирларни қўйлатган бўлоқдек тиник кўзлар ёлгон нималигини билмайди — бир чимдид шодлик ҳам, зиғирча андуҳ ҳам бутун борлиги ила акс этиб туради уларда!

Дарвоқе, дунёда фақат зарурат тақозоси билангина тўқнаш келиб турадиган кўзлар ҳам оз эмас. Қани энди илоҳи бўлсаю, бир совуқ қараш билан бутун шодлигини, мисқоқлаб йиққан қувончининг музлатиб юборадиган заққум нигоҳларга бир умр рўбарў бўлмасанг! Қани

Оила давраси учун

Бундай шарқоналик фақат аёлларгагина хос эмаслигини ўзбекнинг қамтарлик ва закиллика тенгсиз шоири — Миртемир домла ҳаётида рўй берган ва Эркин Воҳидов томонидан ҳикоя қилиб берилган куйидаги тарихий воқеадан ҳам билиб олиш мумкин: «Кунлардан бир кун меҳмон ёзувчилар билан Миртемир домланнинг уйига бордик. Ус-

— Отанг сени жонингни олишга олиб кетяпти. Сен қочиб кет, - деди.

Исмоил шайтоннинг сўзига қирмади. Аксинча, отасининг қурбони бўлишга розилик берди ва отасига куйидаги илтимосларини билдирди:

1. Қўлимни боғлаб қўйингни, қоним Сизга сачраб, осий бўлмайин.

2. Қонли тўнимни онамга элтинг. Токи менга тўймаган онам дуо қилиб турсинлар. Берган оқ сутларига рози бўлсинлар.

3. Бошимни кесар ҳолатда юзимни ерга қартиб қўйингни, Сизга фарз нигоҳ билан боқиб қўймайин...

Ота-ўғил йиғладилар. Ота ўғил айтганларини бажарди. Иброҳим пичоқ учини Исмоилнинг бўзига тиради. Пичоқ ўтмади. Халил пичоқни тошга урди. Тош кесилди... Шу пайт ҳазрат Жаброил бир кўрғон келтирди. Ва Исмоилга тахмин айтиб, шу кўрғонни қурбонлик қилишни буюрди...».

Қаранг, ҳатто қурбон қилмоқчи қилдида ҳам ота райига қарши бормаслик, жумладан, унга фарз нигоҳ билан боқиб қўйишдан қўрқиб туйғуси Исмоилни ўлимдан қутқариб қолди. Аксинча, бўлганда эса унинг ўлими муқаррар эди.

Яна ўзимизнинг «Ўткан кунлар»га қайтайлик: «Юсуфбек ҳожининг қизик бир табиати бор: хотини билангина эмас, умуман, уй ичиси билан ҳар қандай масала устида бўлса-бўлсин узоқ сузлашиб ўтирмайди. Отабекми, онасимми, Ҳасаналими, ишқилиб, уй ичидан бирортасининг сўзларига ё кенгашлари бўлса, келиб ҳожининг юзига қарамасдан сўзлай берадилар: мақсад айтилиб битгандан сўнг секингина кўтарилиб унинг юзига қарайди...».

Хозир эса... Келин, яхшиси, бу ҳақда сўз очмай қўя қолайлик.

Сиддик МҲМИНОВ,
филология фанлари доктори

Шарқона ўғитлар СУҲБАТ ОДОБИ

Билгилки, одамзоднинг шарафи нутқи билан ва нутқ одобига риоя қилмаган одам бу шарафдан беҳабардир. Сўз ҳамма вақт савоб учун ишлатилиши, тўғри ва ҳаққоний бўлиши керак.

Агар мартабага эришганлар суҳбатда қайси қондаларга амал қилиши керак, деб сўрасалар, айтгил, қуйидаги қондаларни сақлашлари керак: биринчидан, ҳар кимнинг аҳолига қараб, муносиб сўз айтсин. Иккинчидан, дағаллик қилмасдан, лутф ва мулоимлик билан гапирсин. Учинчидан, гапирётганда табассум қилиб, очилиб гапирсин. Тўртинчидан, овозини балан кўтармасин, эшитувчиларга малол келтирмайдиган қилиб гапирсин. Бешинчидан, одамларга нафи тегадиган маъноли гапларни гапирсин. Олтинчидан, агар сўзининг қиммати-қадри бўлмаса, уни тилга олмасин, чунки улуғларнинг сўзи бамисоли уруғдир, агар уруғ луч ёки чиринган бўлса, уни қаерга эмканг униб чиқмайди.

Агар мартабага етмаганларнинг суҳбат одоби нечта, деб сўрасалар, бу саккизта деб айтгил. Биринчидан, сўрамагунларича гапирмасин. Иккинчидан, гапирётганда овозини балан кўтармасин. Учинчидан, гапирётганда ўнгу сўлга қарамасин. Тўртинчидан, фарзали ва кинояли гапларни гапирмасин ва бешинчидан бетга чопарлик қилмасин. Олтинчидан, пушаймон бўлмаслик учун ўйлаб гапирсин. Еттинчидан, одамлар гапини бўлиб сўз қотмасин. Саккизинчидан, кўп гапирмасин. Чунки кўп гапирш ақли ноқислик белгисидир. Оз бўлса ҳам, аммо саз гапирини широт этсин.

Агар қайси тил билан сўз сўзлайсан, деб сўрасалар, сидку садоқат тили билан, деб айтгил. Агар сўзани қайси қозоқ билан эшитасан, деб сўрасалар, қабул қулоғи билан, деб айтгил.

Агар сўз сеникими ёки сен сўзникими, деб сўрасалар, айтгил: мен сўзники ва сўз меникидир, чунки сўз инсонлик дарахтининг мевасидир, дарахтни мевадан, мевани эса дарахтдан ажратиб бўлмайди.

Агар яхши сўз қайси, деб сўрасалар, кишиларга нафи тегадиган сўз, деб айтгил. Емон сўз қайси, деб сўрасалар, бировга зарари тегадиган сўз, деб жавоб бергил.

Форсчадан
Наҳмиддин КОМЛЛОВ
таржимаси

«Савдогар» акциядорлик тижорат банки
Қўйидаги Банк Бошқаруви таркибига тасдиқланди:
Мансуров Суръат Марифович Савдогарбанк Бошқарув Раиси
Мансуров Суръат Марифович 2005 йил 1 июлдан бошлаб Банк Бошқаруви таркибига киритилди.
Савдогарбанк Кенгашининг 2005 йил 1 июлдаги қарори билан тасдиқланган.
Савдогарбанк Бошқаруви таркибига киритилган шахсининг банк устав капиталда улуши мавжуд эмас.
Хабарнома тартиб рақами 10

Тошкент шаҳар Яққасарой туманидаги «Карим-ота» хусусий фирмаси тугатилмоқда. Давъолар эълон чоп этилгандан кейин 2 ой давомда қабул қилинади. Манзил: К.Яшин кўчаси, 48-уй. тел: 53-64-02



И.ХАСАНОВ олан суратлар

«ТАЪТИЛ ПАЙТИДА ОМОНЛАШГАНМАН»

Оддий аскар Мамарайимнинг таътилга келишидан оға-ини ва кўни-қўшнилар хурсанд бўлиши. Хизматни аъло даражада бажариб қўмондонликнинг «рахматнома»сини олган аскар йигит ҳамма билан қучоқлашиб, сийтаб-сийтаб омонлашарди. Бироз тоби қочиб дармонсиз юрган Ақром амаки ҳам у билан қўришаркан, гўё сўяқлари қирсиллаб кетгудек бўлди. Кейин бир неча кун амакининг кўнгли беҳузур бўлиб юрди.

Вақтлар ўтиб Мамарайим хизмат бурчини ўтаб уйига қайтгач, катта қозонда ош дамланди. Яна кишлоқ ахли у билан қўришгани келишиди. Омонлашадиганлар орасида Ақром амаки ўзини четга олarkan, секин

ЖАЗИЛЛАТМАЙ ҚИЛИНГАН ОШ

Кишлоқда пазандчиликда Алибой амакига тенг келадигани йўқ. У тайёрлаган таомларнинг таъми бир неча кун оғзингизда қолади. Кишлоқдаги тўй-хашамлар Алибой амакининг иш-тироқисиз ўтмайди. Шогирдлари ўшқ тағидидаги оловга қараш, гўшт тўғраш ва тақсимлашда қўмақдош. Одатдагидек гўшт майдаланиб, пиёз ва сабзи тўғралиб, ҳамма масалликлар тайёр бўлгач, ошпаз қозонда ёғ доғлаётган эди. Алибой амакини йўқлаб келишди.

— Мен тезда келаман, ёғ доғ бўлгач, пиёз солинади, — деди у шогирдида.

«ПИЁЗ ҚИЗАРИБ» МАРОМИГА КЕЛГАНДАН СЎНГ ГЎШТ, КЕЙИН ЭСА ТЎҒРАЛГАН САБЗИНИ СОЛИШНИ УНУТМА.

Ошпаз ёрдамчиси қозондаги масалликларни қақпир ёрдамда ара-лаштираркан, уни четдан қузатиб турганлар ҳайрон бўлишди.

— Ошпаз паловни жазиллатиб қилар эди. Сизники эса сал бошқачарок? — сўради улардан бири ҳазил аралаш.

— Мен жазиллатмай ош қиламан, — жавоб қилди ёрдамчи ошпаз ҳам бўш келмай.

Яхшиям шу орада бош ошпаз қозондан хабар олгани келиб қолиб, унинг пиёз ўрнига сабзи солиб юборганини пайкаб қолди. Дарҳол йўл қўйилган хатони тузатишга киришди. Уша кунги «жазиллатмай қилинган ошнинг» бир қисми қозонда қолиб кетди. Ошпазнинг шогирди эса аллақачон жуфтаникни ростлаб қолганди.

Абдулла САИДОВ

ISHONCH
МУАССИС:
Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси

Тахрир хайъати:
Эркин Воҳидов, Сайёра Рашидова, Жория Алимхўжаева, Маъмура Одилова, Махмуджон Расулов, Элёр Ёқубов, Зайниддин Рихсиев, Виктор Зверев (бош мухаррир ўринбосари «Ишонч-Доверие»), Мирзохид Содиқов, Шамсиддин Эсонбоев, Қудратилла Рафиқов, Мирфозил Олимов.

Телефонлар:
Котибият 56-52-78;
Хатлар бўлими 56-85-43;

Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

Босишга топшириш вақти - 21.00
Топширилди - 21.50

Тиражи: 7765

Бўғуртма Г— 616

1 2 3 4 5 6

Маълумоти: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр қураткичи: 133; 134

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 033-рақам билан рўйхатга олинган.

IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонасида чоп этилди.
Корхона манзили: «Буёқ Турон» кўчаси, 41—уй.